



THEORETICAL AND LEGAL FOUNDATIONS OF THE PROCESSES OF PROTECTION OF WOMEN FROM HARASSMENT AND VIOLENCE

Gulnora Chubaeva

lieutenant colonel, Senior inspector

*IIB JXX HPB HQMB of the Yangikurgan district
Uzbekistan, Namangan*

ABOUT ARTICLE

Key words: society, women, law, gender, violence, physical violence, sexual violence, economic violence, mental abuse, protection order, civil society

Received: 23.12.24

Accepted: 25.12.24

Published: 27.12.24

Abstract: The specifics of the social protection of women, the emphasis on the most important areas of social protection priorities aimed at them, have been studied at the level of public policy, and the mechanisms of geopolitics. Some of the legal mechanisms to improve the efficiency of working with abused women have also been researched. Regular and comprehensive monitoring of the work on the protection of women's rights and interests, ensuring the implementation of adopted legislation in the field of maternal and child protection, taking measures to further improve the legal framework and protecting their rights is an issue on the main agenda of state social policy.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗИЙҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҶУҚИЙ АСОСЛАРИ

Гулнора Чубаева

подполковник, катта инспектор

*Янгиқўргон туман ИИБ ЖХХ ҲПБ ХҚМБ
Ўзбекистон, Наманган*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: жамият, хотин-қизлар, қонун, гендер, зўравонлик, жисмоний зўравонлик, жинсий зўравонлик, иқтисодий зўравонлик, руҳий зўравонлик, ҳимоя ордери, фуқаролик жамияти

Аннотация:

Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишининг ўзига хос хусусиятлари, уларга қаратилган ижтимоий ҳимоя устувор йўналишларининг энг муҳим соҳаларига эътибор берилиши давлат сиёсати даражасига кўтарилиганинига ва ғуқуқий механизмлари тадқиқ этилган. Шунингдек, зўравонликка учраган хотин-

қизлар билан ишлаш самарадорлигини оширишга доир ҳуқуқий механизмларни айримлари тадқик этилди. Хотин-қизлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида қабул қилинган қонун хужжатларининг бажарилишини таъминлаш, ҳуқуқий асосни янада такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш ҳамда улар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишларни мунтазам ва комплекс мониторинги давлат ижтимоий сиёсатининг асосий кун тартибидаги масала бўлиб келмоқда.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ПРОЦЕССОВ ЗАЩИТЫ ЖЕНЩИН ОТ ДОМОГАТЕЛЬСТВА И НАСИЛИЯ

Гульнора Чубаева

*подполковник, старший инспектор
ИИБ ЖХХ ХПБ ХҚМБ Янгиурганского района,
Узбекистан, Наманган*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: общество, женщины, закон, гендер, насилие, физическое насилие, сексуальное насилие, экономическое насилие, психическое насилие, охранный приказ, гражданское общество

Аннотация: Специфика социальной защиты женщин, акцент на наиболее важных областях и приоритетах социальной защиты, направленных на них, были изучены на уровне государственной политики и механизмов geopolитики. Также были изучены некоторые правовые механизмы повышения эффективности работы с женщинами, подвергшимися насилию. Регулярный и всесторонний мониторинг работы по защите прав и интересов женщин, обеспечение исполнения принятого законодательства в области охраны материнства и детства, принятие мер по дальнейшему совершенствованию нормативно-правовой базы и защите их прав является одним из основных вопросов государственной социальной политики.

КИРИШ

Жамиятини ривожлантиришда хотин-қизларнинг ролини ошириш масалалари назарий ва ҳуқуқий жиҳатдан яхши ўрганилган бўлса-да, уларнинг жамият ҳаёти соҳаларида тенг мавқени эгаллашининг амалий ифодаси ва уни амалга ошириш механизмларини тадқик этиш, аёл феноменини сиёсий-фуқукий жиҳатдан таҳлил этишни тақозо этмоқда. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг ўтган йиллари мобайнида

аёлларнинг хуқуқ ва эркинликларини, бандлигини ва оила мустаҳкамлигини таъминлаш, гендер тенгликка эришиш, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш, хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, улар учун муносаб мөхнат шароитларини яратишга йўналтирилган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. “Хозирги кунда ҳар бир хотин-қиз демократик жараёнларнинг кузатувчиси эмас, балки фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлмоғи шарт”[2]. Аёлларнинг ҳақиқий сиёсат субъекти бўлишига кўмаклашиш, тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, тенг хуқуқлилик ҳамда тенг имкониятлар кафолатини илмий асосланган хусусиятларини очиб бериш долзарб аҳамият касб этмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистонда шарқона маънавий-ахлоқий ёндашувларга асосланган ҳолда хотин-қизлар инновацион тафаккурини шакллантириш ва натижада уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишнинг назарий ва праксиологик жиҳатларини тадқиқ этиш замонавий илм-фан олдидаги турган муҳим масаладир. Мамлакатда бу борадаги амалий ишларга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Биз яхши тушунамиз – хотин-қизларнинг хуқуқ ва манфаатлари таъминланган жамиятда, албатта, тинчлик, адолат, эркинлик ва фаровонлик бўлади. Аёл баҳтли бўлса, оила ва жамият ҳам албатта баҳтли бўлади”[4]. Президент томонидан хотин-қизларга бериладиган алоҳида эътибор уларнинг жамиятимизда янада фаол бўлишларига имкониятларни кенгайтиришга ҳизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги 561-сон “Хотин-қизларни тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”, 2019 йил 2 сентябрдаги 562-сон “Хотин-қизлар ва еркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 11 апрелдаги 829-сон “Хотин-қизлар ва болалар хуқуқлари, еркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, 2019 йил 2 февралдаги ПФ – 5325-сонли “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони, 2019 йил 7 мартағи ПҚ – 4235-сон “Хотин-қизларнинг меҳнат хуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 5 мартағи ПҚ – 5020-сон “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни тадқиқотимиз учун

хуқуқий методологик манба сифатида ўргандик. Юртимизда 17 млн. нафардан зиёд хотин-қизларнинг хуқуқ ва эркинликларини таъминловчи 22 та қонун ва 30 дан ортиқ хуқуқий меъёрий хужжатларнинг қабул қилинганини мазкур соҳа давлатнинг устувор вазифаларидан бири эканлигидан далолат беради.

Муқаддас Куръони Каримда “Аёллар учун (белгиланган хуқуқлар) ўз меъёрида эркаклар (хуқуқи) билан тенгдир” дейилади. Зоро, Мухаммад Пайғамбар (с.а.в.) ҳам аёл зотига хурмат ва эҳтиромда бўлиб, “Сизлардан энг яхшиларингиз ўз аҳли аёлингиз билан муомала қилган кишидир. Мен ўз аҳли аёлларимга сизларга бўлганимдан ҳам қўра хушмуомаладаман” [5] деганлар. Шунингдек, “Нисо” сурасида хотин-қизларга нисбатан муносабатларнинг хусусиятлари батафсил белгилаб берилган[6].

Амир Темур ва Темурийлар хукмронлиги даврида хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги мавқенини юксалтириш учун кенг имкониятлар яратилди. Соҳибқирон салтанатидаги аёлларга бўлган хурмат-иззат, эътибор ва ишонч диққатга сазовор. Бу борада Амир Темур: “Аёлларга имкон қадар илиқ муомалада бўлишга ҳаракат қилдим”[7] деб бежиз ёзмаган.

Бугунга келиб, 7,7 миллиард кишидан иборат дунё аҳолисининг қарийб 51 фоизи аёллардан иборат. Жаҳон хотин-қизлари орасида 14 ёшгача бўлганлар – 9,7, 15-19 ёшгача бўлганлар – 10, 60 ва ундан юқори ёшдагиларнинг миқдори 7 фоизни ташкил этади.

Бу кўрсаткичларни Ўзбекистон мисолида кўрадиган бўлсак, ҳозирги вақтда 33,5 миллиондан ортиқ аҳолимизнинг қарийб 50 фоизи хотин-қизлардир. Улар орасида 14 ёшгача бўлганлар – 29, 15-30 ёшгача бўлганлар – 28, 31-45 ёшлилар – 21, 46-60 ёшлилар – 15 ва 60 дан юқори ёшдагиларнинг миқдори 7 фоиз[12].

Ўзбекистоннинг доимий аҳолиси 2024 йилнинг 9 декабрь ҳолатига 37 млн 535 минг 605 кишини ташкил этган. Бу ҳақда Статистика агентлиги хабар берди[13]. Шундан: аёллар сони — 18,6 млн кишини ташкил қилмоқда.

Республикамиздаги аёлларнинг ижтимоий мақомини юксалиши, уларнинг қонуний хуқуқ ва манфаатларини муҳофаза етилиши туфайли минтаقا давлатлари орасида илк бора БМТнинг “Хотин-қизлар хуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги (СЕДАВ) Конвенсиясига қабул қилинди. Бу ҳол республикада хотин-қизланинг хуқуқларига оид ишларнинг жиддий яхшилаш орқали 2001 йилнинг 1 январида мазкур халқаро нуфузли ташкилотнинг сессиясида Миллий Ҳисобот тақдимоти ешитирildi. Натижада, аёллар масаласи юзасидан Миллий ҳаракат дастури ишлаб чиқилиб, давлат миёсида тадбирлар тизими амалга ошириш стратегияси белгилаб олинди.

Юртимизда аёлларнинг ижтимоий-иктисодий. Сиёсий-саданий нуфузини юксалтириш соҳасида еришилган ютуқларнинг миллий сиёсий-хуқуқий саводхонлиги

хусусида Т. Нарбаева “Ўзбекистон Қаҳрамони”, “Академик”, “Сенатор”, “Депутат”, “Вазир”, “Вазир ўринбосари”, “Олима” каби янги сиёсий жиҳатларини санаб ўтган. Жумладан, “уларнинг хуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, иқтисодий фаолиятини кенг йўлга кўйиш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш масалалари давлатнинг муҳим масалалари қаторидан жой олди”, деган фикрларида ўз ифодасини топган[8].

Ўзбекистон Республикасида аёлларнинг жамият ҳаётидаги ижтимоий ҳуқуқий мақомини кафолатлари тўғрисидаги қонунни қабул қилиниши уларнинг хуқуқий турмуш тарзини янада шакллантириши билан анъанавий тафаккуридаги ўзининг “ожиза”лигидан тўлақонлиги инсон ҳуқуқий тафаккури ҳосил қилинади. Мазкур қонунда “жинсларнинг нотенглигини бартараф этиш, хотин-қизлар ва еркакларнинг ҳақиқий ёки асос бўладиган тенглигини таъминлаш бўйича аниқ мақсадларга еришиш учун давлат органлари томонидан кўриладиган ҳуқуқий, ташкилий ҳамда институциявий хусусиятга ега чоратадбирлар”ни назарда тутилган[1]. Мазкур норматив хужжатнинг мақсади хотин-қизларнинг ижтимоий мақомини кафолатларига қаратилган ҳуқуқий ҳимоя сифатида муҳим аҳамият касб етди.

Зўравонлик жамиятдаги энг ёмон иллат сифатида инсонлар ўртаси даги тенгликни, эркинликни йўққа чиқаради. Қарамлик, қуллик, бошқалар устидан ҳукм юритиш, уларни таҳкирлаш ва камситишга олиб келади. Хотин-қизларга нисбатан тазиик ва зўравонликнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек кўйиш учун самарали ташкилий-ҳуқуқий механизmlарни яратиш лозим.

Фуқароларни тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилишни кафолатловчи қонунлар ҳақида сўз борганда улардан бири сифатида 2020 йил 2 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунини айтиш мумкин. Мазкур қонун хотин-қизларни тазиик ва зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, бу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар турлари ва шаклларини аниқлаш ва уларнинг жавобгарлигини таъминлашга, тазиик ва зўравонликдан жабрланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, тазиик ва зўравонликнинг олдини олиш мақсадида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг вазифа ва ваколатлари, амалга оширилиши лозим бўлган профилактик члора-табирларини белгилаб берилган[3]. Хотин-қизларга нисбатан содир этиладиган зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг энг кўп кўринишларига уларни бирга яшашга, фоҳишалик қилишга мажбурлаш, номусига тегиш, зўравонлик қилиш ва спиртли ичимлик, гиёҳвандлик

моддалар истеъмол қилдириш, мунтазам хўрлаш ва руҳий таъсир кўрсатиш ҳамда бошқа йўллар билан ўлимга олиб бориш кабиларни ўз ичига олган.

Бугунги кунда хотин-қизлар масалалари давлат сиёсати даражасига қўтарилиган, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, уларнинг ижтиоий, иқтисодий ва сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида бир қатор Қонунлар ва бошқа норматив хужжатлар чиқарилган. Шу билан бирга уларни ҳар хил тазииклардан ҳимоя қилиш, уларга нисбатан содир этилган тазиикларга барҳам бериш борасида ҳам ҳуқуқий асослар жорий этилди. Биргина 2019 йил 02 сентябрь куни қабул қилинган “Хотин-қизларни тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун асосида хотин-қизларга нисбатан содир этилган тазиик ва зўравонликка барҳам бериш мақсадида ҳимоя ордери жорий этилиб, унда тазиик ва зўравонлик турига қараб чекловлар белгиланган, бу чекловлар:

- 1) Тазиик ўтказишини ва зўравонлик содир этишини тақиқлаш;
- 2) Тазиик ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг тазиик ва зўравонликдан жабрланганлар билан алоқасини тақиқлаш;
- 3) Тазиик ўтказилган ва зўравонлик содир этилган тақдирда тазиик ва зўравонликдан жабрланганнинг ҳамда тазиик ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг бир хонада бўлишини тақиқлаш;
- 4) Тазиик ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг зиммасига тазиик ва зўравонликдан жабрланганни даволаш, унга маслаҳат бериш, уни тазиик ва зўравонликдан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи маҳсус марказга жойлаштириш учун ҳаражатлар ва етказилган моддий заарни қоплаш, шунингдек маънавий зиённи компенсация қилиш мажбуриятини юклash;
- 5) Тазиик ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг қуролини (бундан ов қуроли мустасно) сақлаш ва олиб юриш ҳуқуқини ҳимоя ордерини амал қилиш даврида чеклаш ёхуд таъқиқлаш, шунингдек унинг қурол сотиб олиш учун рухсатнома олишга доир ҳуқуқини таъқиқлашни ташкил этади.

Шу билан бирга қонунда зўравонлик турлари кўрсатиб ўтилган, булар:

- 1) Жисмоний зўравонлик;
- 2) Жинсий зўравонлик;
- 3) Иқтисодий зўравонли;
- 4) Руҳий зўравонлик турлариdir.

Шунингдек, бугунни кунда хотин-қизларга нибатан майший зўравонлик тури ҳам кун сайин кўпайиб бораётганини учратишимииз албатта ачинарли ҳолат. “Майший зўравонлик – кундалик турмушда оиланинг (никоҳнинг расмий рўйхатга олинганлиги, никоҳдан ажralиши қайд этилган ёки қайд этилмаганлигидан қатъи назар) бир ёки бир неча аъзолари

томонидан бошқа бир аъзоси ёхуд бошқа шахснинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, ор-номуси, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан қўриқланадиган ҳукуқ ва қонуний манфаатларига қарши жисмоний, руҳий, иқтисодий таъсир қўрсатиш ёки уни мунтазам қўллаш билан қўрқитиша ифодаланадиган ҳукуқбузарлик”[9]. Ҳар бир оилавий зўравонликнинг ўзига яраша сабаблари бор. Аммо уларга олиб келувчи омиллар қатор умумийликка эга. Ўзбекистон шароитида оилавий зўравонликни характерловчи қуйидаги асосий хусусиятлар фарқланади: зўравоннинг жисмонан кучлилиги (кўпинча эркакнинг аёлга, ота-онанинг фарзандга нисбатан зўравонлиги), зўравонликнинг бир шахсга нисбатан кўпчилик бўлиб содир этилиши (учинчи шахсларнинг аралашуви), жабрланган шахснинг муаммо билан ёлғиз қолиши (ҳуқуқий саводсизлик, ижтимоий ёлғизлик) ва жабрланган шахсга ҳуқуқий, психологик, тиббий ёрдам бериш механизмининг заифлиги.

Оилавий зўравонликка барҳам бериш қийинлигининг сабабларини мушоҳада қилганда, менталитетга хос хусусиятларни эътибордан қочирмаслик лозим. Ўзбек оилаларида шахсий ҳаёт, оилавий сир – муқаддас ва халқимиз бу маънода анча консерватив ҳисобланади, яъни кўпчилик ҳолатларда оиласидаги зўравонлик оиласидан ташқарига чиқмайди. Ўзбек оилалари одатда кўп аъзолик, яъни нафақат эр ва хотин, балки уларнинг қариндошлари ҳам муносабатлар занжирида муҳим роль ўйнайди. Қайнона, қайнота ва бошқа қариндошларнинг оиласидаги келинга зулм қилиши, унинг сўзсиз бўйсунишини, ҳеч қандай имтиёзлар талаб қилмаслигини исташи ёки ота-онанинг фарзандга, келинларнинг бетоб қайнона ёки қайнотага босим ўтказиши каби ҳолатлар кузатилади. Афсуски, ана шу вазиятлар аксар ҳолларда жавбрланувчининг ўз жонига қасд қилишига ёки охирги, критик нуқтага етиб боргунча зулмга бардош бериб, жиддий тан жароҳатлари, руҳий зарбалар олишига, соғлигини тикланмас даражада йўқотишига сабаб бўлади[11].

Хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик, жамиятдаги муҳим ва жадал ечиладиган муаммолардан биридир. Муаммонинг сабаблари ва ечимларини қуйидагича қўрсатиш мумкин. Сабаблари – **ижтимоий ва маданий омиллар**(тадбиркорлик, гендер тенгсизлиги, анъанавий қадриятлар.), **иқтисодий вазият** (иқтисодий хавфсизликнинг пасайиши, ишсизлик), **таълим етишмовчилиги** (таълимсизлик, маълумот етишмаслиги). Ўз навбатида бу келтирлан сабаблари ечими сифатилда қўйидагиларни келтириш мумкин. **Таълим** (хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, гендер тенглик ва таълимга эътибор бериш), **Қонун устуворлиги** (зўравонликка қарши қонунларни кучайтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини самарали фаолият юритиши) ҳамда **ижтимоий дастурлар** (маҳаллаларда хотин-қизларга ёрдам бериш дастурлари, психологик ва юридик кўмак).

Зўравонлиқдан жабр кўрган аёлларга ёрдам бериш, уларнинг ҳаётини яхшилаш ва қайта тикланишларига ёрдам беришда муҳим аҳамиятга эга. Қўйидаги усуллар ва чораларни кўриб чиқамиз:

1. Психологик ёрдам
2. Юридик ёрдам
3. Ижтимоий дастурлар
4. Маърифий дастурлар

Зўравонлиқдан жабр кўрган аёлларга ёрдам бериш, уларнинг ҳаётини яхшилаш ва қайта тикланишларига ёрдам беришда муҳимдир. Психологик, юридик, ижтимоий ва маърифий ёрдамлар билан бирга, жамиятдаги барча аъзоларнинг фаол иштирокини таъминлаш лозим.

Республикамизда хотин-қизлар жиноятчилигини камайтириш борасида олиб борилган профилактик ишлар туфайли республика бўйича хотин-қизлар жиноятчилиги мос равишда 2016 йилда 5 фоиз, 2017 йилда 11 фоизга камайган бўлса, 2018 йилда умумий жиноятчилик 35,7 фоизга камайишига эришилган. Хотин-қизларнинг хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда судлов ишида қўмита вакилларининг иштирокини таъминлаш тизими жорий этилиб, 2018 йилда 113 нафар жиноят ва 780 нафар хукуқбузарлик содир этган хотин-қизлар кафиллик асосида жазодан озод этилди[14].

Тазиқ ва зўравонлик содир этган шахсларга нисбатан маъмурий ва жиноий чоралар белгиланиши кўрсатиб ўтилган. Хотин-қизларга нисбатан содир этилган тазиқларга барҳам бериш борасидаги қонуний хужжатлар такомиллаштирилиб борилмоқда. 2023 йил 11 апрел куни эълон қилинган 829-сонли “Хотин-қизлар ва болаларни хукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Конун асосида ҳам Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда жиноят кодексига хотин-қизларга нисбатан оиласи (маиший) зўравонлик учун белгиланган маъмурий ва жиноий жазо чоралари белгиланди, масалан маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга янги 41¹-моддаси қўшилиб, бу шаҳвоний шилқимлик қилганлик учун жавобгарлик масаласи кўрсатиб ўтилган, шу моддани ўзини олсак ҳатто оддий ташқи қиёфасини ёки қаддиқоматини тавсифлаш ва имо-ишора қилганлик ҳам жавобгарлик масаласини келтириб чиқариши хотин-қизларни қанчалик эъзозланганлигини кўрсатиб турибди.

Бундан ташқари ушбу қонуннинг 23-1-моддаси “ҳимоя ордерини амал қилиш муддатини узайтириш деб белгиланиб, тазиқ ва зўравонлик ёки уларни содир этиш хавфи бартараф этилмаган тақдирда, тегишли худудда тазиқ ва зўравонликнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга ошириш учун маъсул бўлган ички ишлар организининг мансабдор

шахси томонидан тазиқ ва зўравонлиқдан жабрланувчининг аризасига кўра бир иш куни ичида ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш бўйича материаллар тайёрланади ҳамда ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома расмийлаштирилган ҳолда жабрланувчининг яшаш жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шахар) судига юборилади, ҳимоя ордерининг амал қилиш мудда. билан тазиқ ва зўравонликка учраган хотитини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан йигирма тўрт соат ичида ёпиқ суд мажлиида жабрланувчи ҳамда тазиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахслар ҳозирлигига кўриб чиқилади” деб кўрсатилган ҳамда асосли бўлган ҳолда хотин-қизларга нисбатан бир ойлик муддат билан берилган ҳимоя ордерини амал қилиш муддатини бир йилга узайтириш белгиланган. 2024 йил 01 февраль кунги Ўзбекистон Республикасининг 902-сонли Конуни асосида Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 248-моддасига қўшимчалар киритилиб, унда Ички Ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспекторларига тазиқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордеридаги талабларни бажармаганлик учун маъмурий хукуқбузарликни расмийлаштириш ваколати берилган.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 10 май куни ПҚ-175-сонли Қарори билан 1 октябрдан шошилинч қабул бўлимларида туну кун ишлайдиган бирламчи кўмакхоналар ташкил этилиб, тазиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларни жисмоний ва руҳий ҳолатини яхшилаш учун уч сутка муддатга жойлаштирилиб, шошилинч биринчи ёрдам, руҳий ҳамда психотерапевтик ёрламлар кўрсатиб келинмоқда.

Зўравонликнинг профилактикаси бўйича чоратадбирлар

- фуқароларга зўравонлик фактлари ҳақида ёки ўзига нисбатан таҳдид ва тажовузлар содир этиш ҳолатлари юзага келганда хукуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш;
- низоли ҳолатлар ҳамда фуқароларнинг ғайрии житмоий хулқатвори ва хатти-харакатларига нисбатан лоқайд бўлмаслиқ;
- соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаат қилиш ва биринчи тиббий ёрдам олишни таъминлаш;
- зўравонлиқдан жабрланган шахсларни вақтинча хавфсиз жойда (реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларида ёки отаона ёхуд бошқа қариндош-уруғлар олдида) бўлишлари учун уларга қисқа рақамли “1146”-ишонч телефонига мурожаат этиш мумкинлиги ва мавжуд муаммога тегишли ечим олиши ҳақида тушунтириш; X оиласидаги низоли вазиятларни ижобий ҳал қилиш, оила аъзолари ўртасида бузилган ижтимоий

муносабатларни тиклаш ва бошқа оилавий масалалар юзасидан психологик ёки ҳуқукий маслаҳат олиш;

➤ зўравонлик содир этганшахснинг хулқ-авторинижамоатчилик ўртасида мухокама қилиш, унга нисбатан таъсир чораларини қўллаш мақсадида тегишли ваколатли органларга мурожаат қилишни доимий равишда ўргатиб бориш лозим[10].

Тазийқ ва зўравонликнинг олдини олиш мақсадида, давлат орган лари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамкорлигини таъминлаш зарур. Жамиятда хотинқизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликка доир муросасизлик мухитини яратиш керак. Шу билан биргаликда жамиятда, турмушда, иш жойларида, таълим муассасалари ва бошқа жойларда хотин-қизларга нисбатан муносабатни янада яхшилаш, уларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиромни мустаҳкамлашни умуминсоний қадрият сифатида эътироф этиш ва амал қилиш ҳар бир фуқаронинг кундалик позициясига айланиши керак.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки - хотин-қизларга тааллуқли ҳуқукий тизимни янада такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир кенг қўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш, шунингдек, хотин-қизларни давлат ҳокимияти органларида улар учун кенг имкониятлар яратишдан асосий мақсадлардан бири - жамиятда гендер тенгликни амалда таъминлашдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни № 562 // Халқ сўзи. – 2019. – 2 сентябрь
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирмонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатнинг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқи// Халқ сўзи, 2019 йил 22 июнь.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни (7.01.2008 й.) қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 6-мартдаги Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи.
<https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-khalqaro-khotin-qizlar-kuniga-bagishlangan-tantanali-marosimdag-i-nutqi>
5. Курони Карим. – Тошкент: Ислом университети нашриёти, 2001. – 36 б.
6. Шайх Абдулазиз Мансур. Куръони карим маъноларининг таржимаси. – Тошкент: Ислом университети нашриёти, 2007. – Б .77.
7. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Т:

Шарқ, 2003. – 342 б.

8. Нарбаева Т. К. Таълим муассасаларида таълим ва тарбия уйғунлигига хотин-қизларнинг ўрни // Хотин -қизлар ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш – мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мухим омили мавзусидани конференция мақолаларининг. тўплами. –Т.: ТДИУ, 2019. – Б. 5.

9. Арифходжаева И.Х. Ички ишлар идоралари психологияси. Ўкув қўлланма. – Тошкент:2008. – Б. 405.

10. Сайдова Л., Умарова Ш., Абулхасан Д., Шотурсунова Н. Аёлларга нисбатан тазиик ва зўравонликдан химоя қилиш бўйича қўлланма [Матн] : қўлланма / Л.А. Сайдова, Ш. Умарова.-Тошкент: Baktria press, 2021. - 26 б.

11. Тазиик ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш фаолияти. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака Ошириш институти

12. ХОТИН-ҚИЗЛАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛ БЎЛСА.
http://namhaqiqat.uz/siyosat/hotin-izlar_izhtimoiy-siyosiy_faol_bulsa.html 08. Октября.2019.

13. <https://daryo.uz/k/2024/12/09/ozbekistonda-doimiy-aholi-soni-375-mlndan-oshdi>

14. Норбоева Т. 113 нафар жиноят ва 780 нафар ҳуқуқбузарлик содир этган хотин-қизлар жазодан озод этилди// <https://www.gazeta.uz/uz/2018/12/22/ayollar-jinoyatchilik>